



ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ ЎРНИ

Ниёзатов Зафарбек Шавкатович

Ҳазорасп туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази
бошлиғи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10512428>

ARTICLE INFO

Received: 08th January 2024

Accepted: 14th January 2024

Online: 15th January 2024

KEY WORDS

ABSTRACT

Маълумки, пробация хизмати илк бор 1887 йилда Англияда жорий этилган бўлиб, мамлакатимизда 2019 йил 1 январдан эътиборан ўз фаолиятини бошлаган ва hozirda кўплаб ривожланган мамлакатларда шундай хизмат фаолият юритади.

Хорижий тажрибага назар соладиган бўлсак, мазкур хизматнинг кенг жорий қилиниши натижасида назорат остидаги шахсларнинг оиласига кириб бориш, турмуш тарзи ва яшаш шароитларини ўрганиш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун беминнат ёрдам кўрсатилишига, ушбу тоифа шахсларнинг дунёқарашига ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қарши муносабатни шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Рақамларга эътибор қаратсак, мазкур тизим мамлакатда жорий қилиниши натижасида ҳисобга олинган назоратдаги 61 053 нафар шахсларнинг 85 фоизи, яъни 51 790 нафари тузалиш йўлига ўтишига эришилган. Яъни тизим ўзининг дастлабки ижобий натижасини бермоқда.

Умуман олганда жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг негизида билиб билмай, адашиб нотўғри йўлга кириб қолган шахсларга тузалиш йўлига кириши учун имконият яратиш билан бирга, уларни жамиятда умуман бошқа шахс бўлиб шаклланишига ва энг муҳими ўз оиласи бағрида тузалиш йўлига кириши учун имконият яратиб беришдир. Шунинг тақдирини ўтиш жоизки, Республикаимизда жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, яъни 2000 йилда 31 мингдан ортиқ ёки ҳар иккинчи маҳкум озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, 2007 йилда жиноят содир этганларнинг 70 фоизга жазони жамият ва оиладан ажралмаган ҳолда ўташ имконияти берилган¹.

Ч.Беккарианнинг фикрича одамларнинг ички дунёсига жуда кучли таассурот қолдирувчи ва жиноятчига нисбатан камроқ азоб берувчи жазони танлаш зарурдир².

¹ Окилов О. Жиноятга оид қонунларни либераллаштиришнинг моҳияти. Ж. Қонун ҳимоясида. 2005. №:09(117). 366.

²Беккария Ч.О преступлениях и наказаниях М.: 1939, 244б.



Бу борада С.В.Полубинскаянинг фикри шундай: жазонинг огоҳлантирувчи таъсири унинг оғирлигида эмас, балки унинг муқаррарлигида ўз аксини топади³.

Зеро, инсонпарварлик сиёсатининг асосий мақсади ҳам кечиримли бўлиш орқали шахсда Ватанга, жамиятга бўлган муносабатини ўзгартириш ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиш ҳисобланади.

Биз халқ вакиллари эса юртимизда олиб борилаётган бу каби инсонпарвалик сиёсатини қўллаб-қуватлаб, мазкур ишларни изчил амалга ошириш борасида зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш учун масъуллигимизни унутмаслигимиз керак⁴.

Ҳозирда оғир, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси ЖК 7-моддасида —Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайнланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак дейилади. Аммо, —шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазолар қайд этилган принципга қай даражада мос келади?||, деган асосли савол туғилиши мумкин. Зотан:

а) жазолаш орқали инсонни нормал ҳаётий шароитларга мослаштиришни мақсад қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси шахсни жамиятдан бутунлай ажратиб қўяди;

б) жазо жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялашни, ўша шахс ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси уларни бошқа жиноятчилар гуруҳига қўшиб қўяди, бу эса, уларда тажриба алмашиш имконини яратади;

в) жазонинг мақсади жиноят содир этган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнат муҳитига ўргатиш бўлгани ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси уни эркин ҳаётдан бутунлай узоқ бўлган муҳитга жойлаштиради, натижада озодликка чиққанидан кейин шахсда янги ҳаётида бар қанча муаммолар (масалан, ўзига мос иш топиб ишлаш, оилавий муаммоларни бартараф этиш, спиртли ичимликларга ружу қўймаслик ва ҳ.), туғилади бошқача айтганда, маҳкумни пассив ҳаёт тарзига ўргатиб қўяди⁵.

Бундан ташқари, амалдаги жазони ижро этишнинг маҳкумларни фаол ижтимоий ҳаётдан батамом узиб қўяди. Уларни умидсизликка тушириб, —қамоқхона|| шароитига мослаштириб қўяди. Ваҳоланки, жазодан кўзланган мақсадлардан бири маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларни ижтимоий фойдали ҳаёт шароитига ўргатиш ҳисобланади. Шу мақсадда, маҳкумга муассаса доирасидан муайян муддатга четга чиқиш орқали уни

³ Полубинская С.В. Цели уголовного наказания М 1990. с-13

⁴ ИСМОИЛОВ Д., Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати. Жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилади/https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/33276/?sphrase_id=6926262

⁵ Alternatives to incarceration.e.m.u. school of police staff and command//Ferndale Police Department Ferndale, MI. September 19, 2003



ижтимоий фаол ҳаётга тайёрлаш механизмини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бундай механизм кўплаб ривожланган давлатлар (Франция, Германия, Қозоғистон ва ҳ.к.)да амал қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан республикамизда шахсни озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазолардан самарали фойдаланишга қаратилган ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ЖИҚда белгиланган жазолар ва бошқа жиноят-хукуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органларнинг вазифаларидан келиб чиқиб, пробацция хизматининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Мамлакатимизда пробацция бўлинмаларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

– ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бўйича фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда самарали ташкил этиш;

– шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

– назорат остидагилар, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва ишга жойлашишига, шу жумладан, уларнинг касбий тайёргарлиги бўйича тадбирларни ташкил этиш орқали ҳар томонлама амалий қўмаклашиш;

назорат остидагиларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг шахсини ижтимоий-психологик портретни тузган ҳолда ўрганиш.

Пробацция тузилмаси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, республика бўйича жами 215 та бўлинма: пробацция хизмати, 14 та ҳудудий пробацция бўлимлари ва 200 та туман (шаҳар) пробацция бўлинма (гуруҳ)лари фаолияти йўлга қўйилди⁶.

Пробацция хизмати – бу жазоловчи орган эмас, аксинча, ижтимоий хизмат кўрсатиш тузилмасидир. Яъни унинг асосий ва бош вазифаси – бу жазони ижро этиш эмас, балки маҳкумнинг жамиятга қайта мослашувини таъминлашдан иборат. Бу инсонийлик принципларида ўз аксини топган миллий қонунчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.

References:

1. Окилов О. Жиноятга оид қонунларни либераллаштиришнинг моҳияти. Ж. Қонун ҳимоясида. 2005. №:09(117)
2. Беккария Ч.О преступлениях и наказаниях М.: 1939,
3. Полубинская С.В. Цели уголовного наказания М 1990.
4. ИСМОЙЛОВ Д., Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты. Жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилади/https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/33276/?sphrase_id=6926262

⁶ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробацция хизмати фаолияти бўйича ҳисобот. – Т., 2020.



5. 5.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация хизмати фаолияти бўйича ҳисобот. – Т., 2020.
6. Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права. М., 2002
7. Сергеев А.А. Конституционное и муниципальное право. 2002.
8. <http://library.ziyonet.uz>
9. <https://qomus.info>
10. <https://cyberleninka.ru/>
11. <https://library-tsul.uz/>
12. <http://diss.natlib.uz/>
13. <http://www.journalnio.com/index>
14. <https://parliament.gov.uz>